

Дорул ватан нашриёти қошидаги илмий бўлим тайёрлаган  
Таржимон: Абу Туроб Ўший

من الفائز؟  
إعْدَادُ الْمُعْلَمِيِّ بِدارِ الْوَطْنِ  
**Ким баҳтиёр?**

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
**Муқаддима**

Бутун оламлар Парвардигори Аллоҳ таолога ҳамду санолар, Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллоллоҳу алайҳи ва салламга салоту саломлар бўлсин.

Азиз биродарим!

"Бахтли бўлди, ғалаба қилди, ютуқقا эришди" бу каби сўзларни сиз билан биз кўп эшитамиз. Масалан, фалончи баҳтли бўлди, фалончи мукофотга эришди, фалончи машина ютиб олди, яна бири медал ютди, бир футбол жамоаси бошқа жамоани кўп ҳисоб билан мағлуб қилиб ютуқقا сазовор бўлди. Ваҳқазо шунга ўхшаш дунё мукофотлари ва совринларига боғлиқ сўзларни эшитамиз. Бироқ, бизлардан озчилигимиз баҳт, ютуқ, ғалаба сўзларига қалб кўзи билан қараймиз. Хусусан дунёпарастлик кенг тарқаган ушбу замонда кўпчилик одамлар ҳақиқий баҳт-саодат нима эканини унтиб қўймоқдалар ва ёлғон баҳтга алданиб баҳтсиз бўлиб қолмоқдалар. Шу боис ушбу мӯъжазгина рисолани сиз азизларга тақдим этмоқчиман. Шояд, ушбу рисола сабабли Аллоҳ таоло ҳаммаларимизни дунё ва охиратда ҳақиқий баҳт-саодатга эришувчилардан қилса!

Азҳарий Аҳмад Маҳмуд.

### Ҳақиқий саодат

Дунёдаги баҳт-саодат, ютуқ - ғалабаларга кўпинча маккорлик ва алдов йўллари билан етишилади. Гарчи тўғри йўл билан эришилса ҳам унда бир нуқсон яъни, камчилик бўлади, ёки вақтлар ўтиб ўша баҳтиёр инсонинг баҳтли онлари унитилиб, ўзининг хотирасидан ўчиб ҳам кетиши мумкин. Масалан, бой бўлгандан кейин камбағал бўлиб қолиш, кучлилиқдан сўнг кучсиз бўлиб қолиш, соғломлиқдан сўнг касал бўлиш, йигитликдан сўнг қариш кучдан қолиш, чиройли бўлишдан кейин хунук бўлиб қолиш ва ҳакозо... Худди шунингдек баҳтиёр ҳаёт ҳам бир ҳил маромда давом этавермайди, балки бир кунмас бир кун албатта ўз ниҳоясига етади. Демак, ўткинчи баҳт ҳақиқий баҳт деб эътибор қилинмас экан.

Ундей бўлса ҳақиқий баҳт-саодат нима?

Ҳақиқий баҳт-саодат... Ўлим қелганда мусулмон ҳолда вафот этиш ва қабрда сўроқ-савол қилувчи фаришталарнинг саволларига "Роббим Аллоҳ диним Ислом, Пайғамбарим Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам", деб жавоб беришда ҳамда Сирот кўпригидан омонлик билан ўтиб олишдадир. Ҳақиқий

бахт одамларнинг номаи аъмоллари тарқатиладиган кунда, киши ўз номаи аъмолини ўнг қўлдан олишидадир. Мана шу ҳақиқий БАХТдир.

Аллоҳ таоло деди:

فَأَمَّا مِنْ أُوْتِيَ كِتَابَهُ بِيمِينِهِ فَيَقُولُ هَاوْمُ افْرَعُوا كِتابِيَّهُ \* إِنِّي ظَنَنْتُ أَنِّي مُلَاقٍ حِسَابِيَّهِ

Бас, энди ўз китоби – номаи аъмолини ўнг қўлидан берилган киши "Мана менинг китобимни ўқинглар. Дарҳақиқат, мен ҳисоб-китобимга (яъни, Охиратдаги ажр-мукофатга) рўбарў бўлишимни билган эдим" дер. ( Ал-Ҳааққа: 19,20)

Биродарим! Мана бу бахтиёр одамни шоду-хуррамлигидан ҳаммага нидо қилишига бир қаранг! "Дарҳақиқат мен китобимни ўнг қўлимдан олдим, мана шу менинг ютуғим ва абадул-абад бахтиёр эканимнинг белгисидир. Эй одамлар! Қаранглар! Китобимни ўқиб кўринглар, мен мана шу бахтли кун келишига ишонар эдим, шунинг учун ҳам мен яхши амаллар қиласр эдим", деб нидо қилмоқда.

Энди унга берилажак мукофотга қаранг. Аллоҳ таоло деди:

فَهُوَ فِي عِيشَةِ رَاضِيَّهِ \* فِي جَنَّةِ عَالِيَّهِ \* قُطْوُفَهَا دَانِيَّهُ \* كُلُّوا وَاشْرَبُوا هَنِيَّهَا بِمَا أَسْلَفْتُمُ فِي الْأَيَّامِ الْخَالِيَّهِ

"Сўнг у кўнгилли ҳаётда, мевалари (ахли жаннат учун) яқин бўлган юксак жаннатда бўлур.(Жаннат ахлига): "Ўтган кунларда (яъни, ҳаёти дунёда) қилиб ўтган (эзгу) амалларингиз сабабли (ушбу ноз-неъматларни) пок билиб еб-ичаверинглар" (дайилур). (Ал-Ҳааққа: 21-24).

Энди эса охирати учун хеч қандай эзгу ишлар қилмай умрини беҳудага зое қилиб натижада ҳасрат-надомат чекаётган одамнинг ахволига бир назар солинг! Аллоҳ таоло деди:

وَأَمَّا مِنْ أُوْتِيَ كِتَابَهُ بِشَمَالِهِ فَيَقُولُ يَا لَيْتَنِي لَمْ أُوْتِ كِتابِيَّهُ \* وَلَمْ أَدْرِ مَا حِسَابِيَّهِ \* يَا لَيْتَهَا كَانَتِ الْقَاضِيَّهِ \* مَا أَغْنَى عَنِي مَالِيَّهُ \* هَلَّا كَعَنِي سُلْطَانِيَّهُ

"Энди ўз китоби чап қўлидан берилган кимса эса дер:"Эҳ, қани энди менга китобим берилмаса эди! Ва ҳисоб китобим (яъни оладиган жазойим) нима эканлигини билмасам эди! Эҳ қани энди ўша (биринчи ўлим барча нарсани) тугатувчи-узувчи (ва Қиёматдаги мана бу қайта тирилиш бўлмаса) эди! Менга (не-не машаққатлар билан топган) мол-дунёйим аскотмади-я! Мулку салтанатим ҳам ҳалок бўлиб кетди-я!" (Ал-Ҳааққа: 25-29).

У бечора қандай амал қилган бўлса, шунга яраша жазо олади. Биродарим, Унга берилажак жазо қандай бўларкин! Аллоҳ таоло деди:

خُذُوهُ فَعُلُوهُ \* ثُمَّ الْجَحِيمَ صُلُوهُ \* ثُمَّ فِي سُلْسِلَةِ ذَرْعُهَا سَبْعُونَ ذَرَاعًا فَاسْكُوْهُ \* إِنَّهُ كَانَ لَا يُؤْمِنُ بِاللَّهِ الْعَظِيْمِ \* وَلَا يَحْضُرُ عَلَى طَعَامِ الْمُسْكِيْنِ \* فَلَيْسَ لَهُ الْيَوْمُ هَاهُنَا حَمِيْمٌ \* وَلَا طَعَامٌ إِلَّا مِنْ غِسْلِيْنِ \* لَا يَأْكُلُهُ إِلَّا الْخَاطِئُونَ

(Бас Аллоҳ жаҳаннам қўриқчиларига дер): "Уни ушлаб кишанланглар! Сўнгра дўзахга ташланглар! Сўнгра узунлиги етмиш газ бўлган занжирига солиб боғланглар! Чунки у (ҳаётий дунёдалик пайтида) Улуғ Аллоҳга иймон келтирмас эди. Ва мискин-бечораларга таом беришга (ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам) тарғиб қилмас эди. Бас бугун, бу ерда унинг учун бирон дўст-мададкор йўқдир. Ва бирон таом йўқдир! Фақат йирингдан бўлган (бир таом борки). Уни фақат (йўлдан) адашган (кофир)ларгина ерлар." ( Ал-

Хааққа: 30-37).

Биродарим! Ҳақиқий баҳт-саодатга эришган одам ким эканини билиб олдингизми? Аллоҳ таолонинг қуидаги ояти ҳақида ҳам бир фикр юргизиб кўринг. Ҳақ таоло деди:

فَمَنْ رُحِّرَ عَنِ النَّارِ وَأَدْخَلَ الْجَنَّةَ فَقَدْ فَازَ

"Бас ким дўзахдан четлатилиб, жаннатга киритилса, муҳаққақ (баҳт-саодатга) эришгай."(Оли-Имрон: 185). Демак, биродарим, ҳақиқий баҳт-саодат — дўзахдан нажот топишда ва жаннатга сазовар бўлишда экан. Зеро, жаннат аҳли билан дўзах аҳли ўртасида, нажот топганлар ҳамда халок бўлганлар ўртасида, ғолиблар ва мағлублар ўртасида, баҳтиёrlар ҳамда баҳтсизлар ўртасида жуда катта фарқ бор. Улар ҳаргиз баробар бўлмайдилар. Аллоҳ таоло деди:

لَا يَسْتَوِي أَصْحَابُ النَّارِ وَأَصْحَابُ الْجَنَّةِ هُمُ الْفَانِزُونَ

**Дўзах эгалари билан жаннат эгалари баробар бўлмас. Жаннат эгалари** (баҳт-саодатга) эришувчи зотлардир. (Ҳашр: 20).

### Баҳт-саодат ва нажот йўли

Биродарим! Эҳтимол сиз айтилган сўзлардан сўнг "ҳақиқий баҳт-саодатга қандай қилиб эришилади?" "Бунинг йўли қандай экан?" деб сўрарсиз! Саволингизга жавобан Ҳақ таолонинг ушбу оятини келтираман:

مَا فَرَطَنَا فِي الْكِتَابِ مِنْ شَيْءٍ

**Биз Китобда** (Лавҳул-Маҳфузда) бирон нарсани қўймай (ёзгандирмиз). (Анъом: 38).

Биродарим! Сиз Куръон Карим тиловатини ўзингизга лозим туting ва Куръон оятларини тиловат қилганингизда оятларни тадаббур-тафаккур қилинг. Зеро, Куръон Каримда – баҳтиёrlар ва баҳтсизлар ҳақида ҳамда баҳтиёrlар қайси амаллари сабабли баҳтиёр бўлганлари ва баҳтсизлар қайси амаллари туфайли баҳтсиз бўлганлари ҳақида кўп маълумотлар келтирилган.

Биродарим! Ушбу мўъжазгина рисолада Куръон Каримда зикр қилинган баҳтиёrlарнинг тўққизта сифати келтирилгандир. Ушбу сифатларни ўқиб сиз ҳам ўша сифатлар билан сифатланинг-ки, мазкур сифатлар сизда топиладиган бўлса, шак-шубҳасиз ҳақиқий баҳтиёrlардан бўласиз.

### Биринчи сифат: Иймон

Иймон сифатини ўзида гавдалантирган кимса, дунёда ҳам охиратда ҳам баҳтиёrlар сафида бўлади. Зеро, иймон сифати баҳтиёrlарнинг энг биринчи ва тамал сифати бўлиб, баҳтиёrlарнинг қолган сифатлари унинг устига қурилади. Аллоҳ таоло Ўзинг каломи раббонийсида мўминларга ато этиладиган неъматларни баён қилиб деди:

وَعَدَ اللَّهُ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمَنَاتِ جَنَّاتٍ تَحْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَمَسَاكِنَ طَيِّبَةً فِي جَنَّاتٍ عَذْنٍ  
وَرِضْوَانٌ مِنْ اللَّهِ أَكْبَرُ ذَلِكُ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ

"Аллоҳ мўмин, мўминаларга остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатлар ва мангу жаннатлардаги покиза масканларни ваъда қилди. Аллоҳнинг ризолиги эса ҳамма нарсадан улуғроқдир. Мана шу буюк (баҳт) саодатдир. (Тавба: 72).

Аллоҳ таоло деди:

يَوْمَ تَرَى الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ يَسْعَى نُورُهُمْ بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَبِأَيْمَانِهِمْ بُشْرَاكُمُ الْيَوْمَ جَنَّاتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا ذَلِكُ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ

"Мўмин ва мўминаларнинг олдиларида ва ўнг томонларида нурлари (қилган яхши амалларига ярашав ёритиб) кетаётганини кўрадиган Кунни (эсланг! Ўша кунда уларга дейилур):" Сизлар учун бугунги ҳушхабар – остидан дарёлар оқиб турадиган,(сизлар) мангу қоладиган жаннатлардир. Бу буюк (бахт) саодатнинг ўзидир!" (Ҳадид: 12 ).

Аҳли сунна вал жамоа уламолари иймоннинг таърифини қуидагича таърифлайдилар."Иймон" қалб билан тасдиқ этиб тил билан иқрор бўлиш ҳамда аъзолар билан дин арконларига амал қилишдир. Кишинг иймони тоат-ибодатлар билан зиёдалашади ва гуноҳ – маъсиятлар туфайли камаяди. Демак, иймон қалбда бўлади, тил уни иқрор қилади ва амал уни тасдиқлайди.

Бирок, шундай кимсалар борки, агар уларни намоз ўқиш, рўза тутиш каби Аллоҳ таоло буюрган амалларга тарғиб қилсангиз ёки гуноҳ ишлардан қайтарсангиз, у: Биродар! Одамнинг дили тоза бўлса бўлди, намоз ўқимасам ҳам ичим иймонга тўла, деб амалсиз иймонни даъво қиладилар. Агар уларинг қалбларида иймон бўлганда эди албатта ўша иймон уларнинг амалларида кўринган бўлар эди.

### Иккинчи сифат: Солиҳ амал

Биродарим, билингки, ҳақиқий иймон ўз соҳибини Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига итоат қилишга ҳамда солиҳ амал қилишга ундайди. Аллоҳ таоло деди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَقُولُوا قَوْلًا سَدِيدًا \* يُصْلِحُ لَكُمْ أَعْمَالَكُمْ وَيَغْفِرُ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَمَنْ يُطِعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ فَازَ فَوْزاً عَظِيمًا

"Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ)амалларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Аллоҳга ва унинг Пайғамбарига итоат этса, бас у буюк (бахт) саодатга эришибди. ( Аҳзоб сураси 70 71-оят).

Бу оятда иймон билан солиҳ амални бир-бирига боғланиб келишидан шу нарса англашиладики, киши ҳақиқий баҳтга эришиши учун ушбу икки сифат унда топилиши лозим. Исломда солиҳ амалнинг аҳамяти катта бўлгани учун ҳам, аксар оятларда Аллоҳ таоло иймон билан амални ёнма-ён келтиради. Ҳақ таоло деди:

فَإِنَّمَا الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَيُدْخَلُهُمْ رَبُّهُمْ فِي رَحْمَتِهِ ذَلِكُ هُوَ الْفَوْزُ الْمُبِينُ

"Бас, иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга келсак, уларни Парвардигорлари – Аллоҳ Ўз раҳмати, жаннатига доҳил қилур. Бу очик баҳтнинг ўзидир. ( Жосия: 30)

Яна марҳамат қилиб дедики:

يَوْمَ يَجْمَعُكُمْ لِيَوْمِ الْجَمْعِ ذَلِكَ يَوْمُ التَّعَابُنَ وَمَنْ يُؤْمِنْ بِاللَّهِ وَيَعْمَلْ صَالِحًا يُكَفَّرُ عَنْهُ سَيِّئَاتِهِ وَيُدْخَلُهُ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا ذَلِكُ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ

"(Аллоҳ) сизларни тўпланиш Кунига тўплашини (эслангиз)! Бу (одамлар) бир-бирларини \*ҳасратга қўйиб кетадиган\* (фойда-зиён) Кундир (яъни, иймон эгалари кофир ва фосиқларни ҳасрат-надоматда қолдирадилар. Улар Жаннатдаги неъматларга кириб кетишади, кофирлар дўзах азобига дучор қилинишади). Ким Аллоҳга иймон келтирса ва яхши амал қилса (Аллоҳ) унинг ёмонликларини ўчирур ва уни остидан дарёлар оқиб турадиган, (барча жаннат ахли) абадул-абад қоладиган жаннатларга киритур. Бу эса буюк баҳтдир. ( Тағобун: 9).

Аллоҳ таоло деди:

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَهُمْ جَنَّاتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ ذَلِكَ الْفَوْزُ الْكَبِيرُ

"Албатта иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатлар бордир. Мана шу буюк (баҳт) саодатдир." ( Буруж: 11).

Биродарим, ушбу оятларга назар солсангиз ҳақиқий баҳт-саодат иймон ва солиҳ амалнининг меваси эканлигини билиб оласиз.

### Учинчи сифат: Эргашиш ва бидъатни тарқ этиш

Баҳтга эришувчи мўминларнинг сифатларидан яна бири, эргашиш ва бидъатни тарқ қилишдир. Аллоҳ таоло деди:

وَالسَّابِقُونَ الْأَوَّلُونَ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ وَالَّذِينَ اتَّبَعُوهُمْ بِإِحْسَانٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ وَأَعْدَ اللَّهُمْ  
جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ

"Муҳожир ва ансорларнинг биринчи пешқадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлар- Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам ундан рози бўлдилар. Яна (Аллоҳ)улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни таёrlаб қўйди. Мана шу буюк баҳт- саодатдир. (Тавба: 100)

Эргашиш ва бидъатни тарқ қилиш икки асосга кўра рўёбга чиқади. Қилаётган ибодатимиз:

#### 1.Холис Аллоҳ учун бўлиши.

2Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига мувофиқ бўлиши.

Фузайл ибн Иёз Аллоҳ таолонинг: (Эй инсонлар, У) сизларнинг қайсиларингиз чиройлироқ амал қилувчи эканлигинизни имтиҳон қилиш учун ўлим ва ҳаётни яратган Зотдир. У Қудратли ва Мағфиратлидир. - деган ояти ҳақида: Сизларнинг қайсиларингиз ҳолисроқ ва тўғрироқ амал қилувчи эканингизни имтиҳон қилиш учун ўлим ва ҳаётни яратди, дедилар. Шунда ҳузурида ўтирган одамлардан бири сўради: Ҳолисроқ ва тўғрироқ дегани нима? Фузайл ибн Иёз: Агар амал ҳолис бўлса-ю тўғри бўлмаса у амал қабул бўлмайди, ёки аксинча амал тўғри бўлса-ю бироқ ҳолис бўлмаса бу амал ҳам қабул бўлмайди. Ҳолис амал факат Аллоҳ учун бўлган амал, тўғри амал эса, Расулуллоҳнинг суннатларига мувофиқ бўлган амалдир, дедилар.

Суфён Саврий айтадилар: Бидъат шайтонга маъсиятдан кўра суюклироқ. Чунки, гуноҳдан тавба қилинади. Бироқ, бидъатдан тавба қилинмайди .(Яъни гуноҳ қилган одам қилган иши гуноҳлигини билади, билмаса билган куни тавба қилиши мумкин, лекин бидъатчи мен тўғри, савобли иш қиляпман деб ўйлайди ва қилган бидъатига тавба қилишни хаёлига ҳам келтирмайди).

Абу Айюб Сихтоний шундай деган эканлар: Бидъатчи қанча кўп тиришса, шунча кўп Аллоҳ таолодан узоқлашади.

### Тўртинчи сифат: Гуноҳларни тарқ қилиш

Гуноҳлар одамнинг қалбини бузиб қоронfilaширади натижада гуноҳ қилувчи одам дунёда ҳам охиратда ҳам Аллоҳнинг жазосига мустаҳиқ бўлиб қолади. Гуноҳлар одамдан баҳтни кетказиб баҳтсизликни олиб келишга сабаб бўлади ҳамда умрнинг баракасини ўчиради.

Биродарим, баҳт-саодатга эришиш, дўзахдан нажот топиш гуноҳларни тарқ қилиш билангина бўлади. Аллоҳ таоло деди:

الَّذِينَ يَحْمِلُونَ الْعَرْشَ وَمَنْ حَوْلَهُ يُسَبِّحُونَ بِحَمْدِ رَبِّهِمْ وَيُؤْمِنُونَ بِهِ وَيَسْتَغْفِرُونَ لِلَّذِينَ آمَنُوا رَبَّنَا وَسَعْتَ  
كُلَّ شَيْءٍ رَحْمَةً وَعِلْمًا فَاغْفِرْ لِلَّذِينَ تَابُوا وَاتَّبَعُوا سَبِيلَكَ وَقَهْمَ عَذَابَ الْجَحِيمِ رَبَّنَا وَأَدْخِلْهُمْ جَنَّاتَ عَدْنَ الَّتِي  
وَعَدْتُهُمْ وَمَنْ صَلَحَ مِنْ أَبَائِهِمْ وَأَزْوَاجِهِمْ وَذُرِّيَّاتِهِمْ إِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ وَقَهْمُ السَّيِّئَاتِ وَمَنْ تَقِ السَّيِّئَاتِ  
يُوْمَنِدِ فَقَدْ رَحِمْتَهُ وَذَلِكَ هُوَ الْفُوزُ الْعَظِيمُ

" Арши кўтариб турадиган ва унинг атрофидаги (фаришталар) Парвардигорларига ҳамду сано айтиш билан (У зотни барча айбу нуқсонлардан) поклаб-тасбех айтурлар ва У зотга иймон келтиурлар, ҳамда иймон келтирган кишиларни мағфират қилишини сўрарлар: «Парвардигоро, Ўзинг раҳмат-мехрибонлик ва илм жиҳатидан барча нарсадан кенгдирсан. Бас (гуноҳларидан) тавба-тазарруъ қилган ва Сенинг йўлингга эргашган кишиларни Ўзинг мағфират қилгин ва уларни дўзах азобидан сақлагин. 8. Парвардигоро, уларни ҳам, уларнинг ота-боболари, жуфти ҳалоллари ва зурриётлари орасидаги солиҳ-мўмин бўлган кишиларни ҳам ўзинг уларга ваъда қилган мангуб жаннатларга дохил қилгин. Албатта Сенинг Ўзинггина қудрат ва хикмат соҳибидирсан. (Парвардигоро) Ўзинг уларни (гуноҳларининг) ёмонликларидан асрарин. Кимни ўша кундаги ёмонликлардан асрассанг, бас, ҳақиқатан унга раҳм-шафқат қилибсан. Мана шу буюк баҳт-саодатдир. (Фоғир: 7-9)

Бу оятда Аллоҳ таоло гуноҳларни тарқ қилиб улардан тавба қилиш У Зотнинг раҳматига сазовор бўлишни ва Аллоҳ раҳм қилган кимса эса буюк баҳтга эришишини баён қилмоқда. Бошқа оятда аҳли тоат, аҳли ибодатлар қандай қилиб баҳт-саодатга эришганини ҳамда маъсият аҳли эса нима сабаб баҳтсиз бўлиб ҳор бўлганликларини баён қилиб деди:

وَمَنْ يُطِعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ يُدْخِلُهُ جَنَّاتَ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَذَلِكَ الْفُوزُ الْعَظِيمُ \* وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَتَعَدَّ حُدُودَهُ يُدْخِلُهُ نَارًا خَالِدًا فِيهَا وَلَهُ عَذَابٌ مُهِينٌ [النساء: 13 – 14].

"Ким Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига итоат этса, (Аллоҳ) уни остиларидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритиб, ўша жойда абадий ( ҳаёт баҳш этар). Бу бу катта зафардир. Ким Аллоҳ ва

унинг Пайғамбариға итоатсизлик қилиб Аллоҳнинг белгилаб қўйган ҳадларидан тажовуз қилса, уни абадий қоладиган жойи бўлмиш дўзахга киритур. Ва унинг учун хор қилувчи азоб бордир (Нисо: 13, 14).

Яхё ибн Муоз Аррози шундай деган эканлар: Ақли бор одамнинг мана бундай дуо қилишидан ажабланаман. У дуосида: "Аллоҳим менинг бошимга тушадиган мусибатлар сабабли душманларимни хурсанд қилмагин" – дейди. Ҳолбуки, ўзи душманларини хурсанд қилади. Шунда бу қандай бўлади, деб сўралди? Аллоҳга осий бўлади сўнг Қиёмат куни ҳар бир душман унинг ҳолини кўриб хурсанд бўлади.

### Бешинчи сифат: Ростгўйлик

Ростгўйлик – қиёматда саодатманд бўладиган мўминларнинг сифатларидандир. Аллоҳ таоло деди:

قَالَ اللَّهُ هَذَا يَوْمٌ يَنْفَعُ الصَّادِقِينَ صَدَقُهُمْ لَهُمْ جَنَّاتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ [المائدة: 119].

"Аллоҳ айтди: бу Кун (яъни Қиёмат Куни) ҳаққи-рост иймон келтирганларга рост сўзлари фойда берадиган Кундир. Улар учун остидан дарёлар оқиб турдиган жаннатлар бордир. Улар унда абадий қолажаклар. Улардан Аллоҳ рози бўлди, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар, Бу эса улуғ баҳтдир." (Моида: 119-оят).

Ибнул Қоййим раҳимаҳуллоҳ айтадики: Аллоҳ таоло иймон ахлига ростгўй-садиклар билан бирга бўлишни буюрди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّمَا الْمُنْفَعُ مِنَ الصَّادِقِينَ

"Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва ростгўй бўлган зотлар билан бирга бўлингиз! (Тавба: 119) ва яна деди:

وَمَنْ يُطِعَ اللَّهَ وَالرَّسُولَ فَأُولَئِكَ مَعَ الَّذِينَ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مِنَ النَّبِيِّينَ وَالصَّدِيقِينَ وَالشُّهَدَاءِ وَالصَّالِحِينَ فَهُمْ الرَّفِيقُ الْأَعْلَى (وَحَسْنُ أُولَئِكَ رَفِيقًا) [النساء: 69].

"Кимда-ким Оллоҳ ва пайғамбарга итоат этса, ана ўшалар Оллоҳ инъомларига сазовор бўлган зотлар — пайғамбарлар, ростгўйлар, шаҳидлар ва солих кишилар билан бирга бўлурлар." Ана шулар Рафиқул-аълодирлар "Улар эса энг яхши ҳамроҳлардир." (Нисо: 69)

Аллоҳ таолога содик-ростгўй бўлиш бандалар учун яхшироқдир.

فَإِذَا عَزَمَ الْأَمْرُ فَلَوْ صَدَقُوا اللَّهُ لَكَانَ خَيْرًا لَهُمْ [محمد: 21]

Энди қачон иш — жанг муқаррар бўлса у ҳолда агар улар Оллоҳга (иймон келтириш ва Унинг жанг қилиш ҳақидаги амрига итоат этишда) содик-ростгўй бўлганларида, албатта ўзлари учун яхшироқ бўлур эди.

Аллоҳ одамларни икки қисмга, росгўйлар ва мунофиқларга бўлиб қўйди. Ҳақ таоло деди:

لِيَجْزِيَ اللَّهُ الصَّادِقِينَ بِصَدَقِهِمْ وَيُعَذِّبَ الْمُنَافِقِينَ إِنْ شَاءَ أَوْ يَثُوبَ عَلَيْهِمْ

"Аллоҳ содик бўлган кишиларни ростгўйлари сабабли мукофатлаш учун, мунофиқларни эса агар Ўзи хоҳласа (мунофиқлик холларида ўлдириб) азобга гирифтор этиш ёки (улар иймон келтириб, тавба қилсалар), тавбаларини қабул қилиб (гуноҳларини мағфират этиш) учун (мазкур синовга дучор қилди). (Аҳзоб: 24). Иймоннинг асоси ростгўйликдир,

нифоқнинг асоси эса ёлғончиликдир. Бир қалба иймон ва нифоқ ҳаргиз жам бўлмайди. Шунга кўра, Иймонли одамда ёлғончилик иллати топилмайди.

### Олтинчи сифат: Аллоҳдан қўрқиши

Аллоҳдан қўрқиши кишини гуноҳ ишларга қўл уришдан тўсади. Гуноҳлардан йироқ бўлиш эса кишини дўзахдан четлатилиб, жаннатга киритилишига сабаб бўлади.

Аллоҳ таоло деди:

**قُلْ إِنِّي أَخَافُ إِنْ عَصَيْتُ رَبِّي عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ \* مَنْ يُصْرَفْ عَنْهُ يَوْمَئِذٍ فَقَدْ رَحِمَهُ وَذَلِكَ الْفَوْزُ الْمُبِينُ**

"Айтинг: Албатта, мен агар Парвардигоримга итоатсизлик қиласам, Улуғ Кунда (Киёматда Аллоҳ тамонидан) бўладиган азобдан қўрқаман. Ўша Кунда кимдан (азоб) четлатилса, бас, унга (Аллоҳ) раҳм қилибди. Мана шу очик Мана шу очик нажотдир!" (Анъом:15, 16).

Аллоҳ таолодан қўрқиши – У Зот сиз билан бизга фарз қилган амаллардан биридир. Зеро Ҳақ таоло деди:

**وَإِيَّاِيَ فَارْهَبُونَ**

"Мендангина қўрқингиз." (Бақара: 40-оят). Бошқа ояти каримада шундай деб марҳамат қилди:

**فَلَا تَخْشُوا النَّاسَ وَاحْشُوْنَ**

"Инсонлардан қўрқмангиз мендан қўрқингиз" (Моида: 44). Қуйидаги оятда эса иймонни Аллоҳ таолодан қўрқишига боғлаб келтирди:

**فَلَا تَخَافُوهُمْ وَخَافُونَ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ**

"Бас, агар мўмин бўлсангизлар, улардан қўрқмангиз, Мендан қўрқингиз!". (Оли имрон: 175).

Оиша разияллоҳу анҳо дедилар: Мен эй Расулуллоҳ, Аллоҳ таолонинг ушбу сўзидағилар:

**وَالَّذِينَ يُؤْتُونَ مَا آتُوا وَقُلُوبُهُمْ وَجْهَةٌ أَنَّهُمْ إِلَى رَبِّهِمْ رَاجِعُونَ [المؤمنون: 60]**

"Яхши амалларни қилишда тиришадиганлар, қалблари эса амаллари қабул бўлмай қолишидан ва Аллоҳ ҳузурига ҳисоб-китоб учун қайтган пайтларида дўзах азобидан нажот бермай қолишидан хавфда бўлади" (Муъминун: 60) Бу оятдаги зино қиладиган, ароқ ичадиган ва ўғирлик қиладиган одамми? "Йўқ, эй Сиддиқнинг қизи, у рўза тутадиган, намоз ўқийдиган, садақа берадиган ва бу амаллари қабул бўлмай қолишидан қўрқадиган одам," дедилар.

Ҳасан Басрий бу оят хақида шундай деди: Аллоҳга қасамки, улар тоат-ибодатларни қилган, ибодатларда тиришган ва амаллари ўзларига қайтарилишидан қўрқкан кишилар. Мўмин яхшилик билан қўркув ўртасини жамлайди, мунофик ёмонлик билан хотиржамлик ўртасини жамлайди.

Бахтли одамларни сифатлаб деди:

**وَمَنْ يُطِعَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَخْشَ اللَّهَ وَيَتَّقَهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَائِزُونَ [النور: 52]**

"Ким Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига бўйсунса ва Аллоҳдан қўрқиб, тақво қилса, бас, ана ўшаларгина (бахт-саодатга) эришувчилардир." (Нур: 52).

Еттинчи сифат: Тақво

Аллоҳ таоло ўзининг китобида тақводорларни саодати ва уларнинг ютуқлари хақида ҳабар бериб деди:

إِنَّ الْمُتَّقِينَ فِي مَقَامٍ أَمِينَ \* فِي جَنَّاتٍ وَعُيُونٍ \* يُلْبِسُونَ مِنْ سُنْدُسٍ وَإِسْتَبْرَقٍ مُتَقَابِلِينَ \* كَذَلِكَ وَزَوْجَنَاهُمْ بِحُورٍ عَيْنٍ \* يَدْعُونَ فِيهَا بِكُلِّ فَاكِهَةٍ أَمِينَ \* لَا يَدْوِفُونَ فِيهَا الْمَوْتَ إِلَّا الْمَوْتَةُ الْأُولَى وَوَقَاهُمْ عَذَابُ الْجَحِيمِ \* فَضْلًا مِنْ رَبِّكَ ذَلِكَ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ

Албатта тақводор зотлар (У Кунда) осойишта жойда, боғлар ва чашмалар устида бўлурлар. Улар бир-бирларига рўбарў бўлган ҳолларида ипак шойидан либослар кийиб(ўтирурлар). Мана шундай! Яна Биз уларга оҳу кўз хурларни жуфту ҳалол қилиб қўйгандирмиз. Улар у жойда тинч-хотиржам бўлган ҳолларида (хизматкорлардан) барча мева-чевани чақиурлар. Улар (жаннатда) биринчи ўлимдан (яъни, ҳаёти дунёдан кўз юмганларидан) бошқа ўлимни тотмаслар.(Аллоҳ) уларни дўзах азобидан сақлагандир. (Бу)Парвардигорингиз томонидан бўлган фазлу марҳаматдир. Мана шу буюк баҳт-саодатдир.(Духон: 51-57-оятлар)

Яна Аллоҳ таоло тақводорлага дунёда ҳам охиратда ҳам хушхабар берди:  
الَّذِينَ آمَنُوا وَكَانُوا يَتَّقُونَ \* لَهُمُ الْبُشْرَى فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَفِي الْآخِرَةِ لَا تَبْدِيلَ لِكَلْمَاتِ اللَّهِ ذَلِكَ هُوَ الْفَوْزُ  
الْعَظِيمُ

Иймон келтирган ва (Аллоҳдан) тақво қилган зотлар учун ҳаётий дунёда ҳам Охиратда ҳам хушхабар бордир. Аллоҳнинг Сўзлари (оятлари) ўзгартирилмас. Мана шу (мазкур неъматларга эришиш) буюк баҳт-саодатдир.(Юнус: 63-64-оятлар)

Биродарим! Билингки, тақво сифати ҳамма яхшиликларни ўзида мужассам этган сифатдир. Тақвонинг ҳақиқати – Яратган Зотнинг буйрқларига бўйсуниш ҳамда Аллоҳ қайтарган нарсалардан қайтиб У Зотнинг жазосидан сақланишдир. Тақвонинг тўрт даражаси бўлиб, улар қуидагилар:

- 1.Ширкдан сақланиш.
- 2.Маъсият ва гуноҳ ишлардан сақланиш.
- 3.Шубҳали нарсалардан сақланиш.
- 4.Охиратга фойда бермайдиган ортиқча нарсаларни тарқ қилиш.

Рўзборий роҳимаҳуллоҳ: Сени Аллоҳдан узоклаштирадиган нарсаларни тарқ этишинг тақводир, деганлар.

Биродарим! Шуни билингки, кишида илм бўлмаса, унда тақво ҳам бўлмайди. Чунки, жоҳил кимса нимадан тақво қилишни билмайди. Бакр ибн Хунайс айтган эканлар: Нимадан тақво қилишни билмайдиган киши қандай қилиб тақводор бўлсин?

### **Саккизинчи сифат: Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш**

Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш энг афзал амалларнинг биридир. Абдуллоҳ Ибн Масуъд разияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қайси амал Аллоҳга суюклироқ – деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз вақтида ўқилган намоз, дедилар. Сўнгра қайси? Деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ота-онага яхшилик қилиш, дедилар. Сўнг қайси? деди, Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш, деб жавоб бердилар. (Муттафақун алайҳ).

Аллоҳ таоло Унинг йўлида жиҳод қилишни қиёмат кунидаги баҳт-саодатга сазовор бўлиш сабабларидан қилди. Аллоҳ таоло деди:

لَكُنَ الرَّسُولُ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعْهُ جَاهَدُوا بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنفُسِهِمْ وَأُولَئِكَ لَهُمُ الْخَيْرَاتُ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ \* أَعَدَ اللَّهُ لَهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ) [التوبه: 88 , 89]

"Лекин Пайғамбар ва у билан бирга бўлган, иймон келтирган зотлар молу жонлари билан жиҳод қилдилар. (Барча) яхшиликлар ана ўшалар учундир. Нажот топувчилар ҳам уларнинг ўзири. Аллоҳ улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни таёrlаб қўйгандир. Мана шу буюк саодатdir." (Тавба: 88, 89)

Аллоҳ йўлидаги жиҳод Аллоҳ азза ва жалла билан бўлган тижоратнинг энг улкани ва энг фойдалиси. Аллоҳ таоло деди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا هَلْ أَدْلُكُمْ عَلَى تِجَارَةٍ تُنْجِيْكُمْ مِنْ عَذَابٍ أَلِيمٍ \* تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَتُجَاهِدُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ بِأَمْوَالِكُمْ وَأَنفُسِكُمْ ذَلِكُمْ خَيْرٌ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ \* يَغْفِرُ لَكُمْ ذُنُوبُكُمْ وَيُذْلِكُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ وَمَسَاكِنٌ طَيِّبَةٌ فِي جَنَّاتٍ عَدْنٍ ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ) [الصف: 12 – 10].

"Эй мўминлар, сизларга аламли азобдан нажот берадиган бир «тижорат»ни кўрсатайми?(Ўша «тижорат» мана будир)— Оллоҳ ва Унинг пайғамбарига иймон келтиурсизлар ва Оллоҳ йўлида мол ва жонларингиз билан жиҳод қилурсизлар. Мана шу агар билсангизлар ўзларингиз учун энг яхши (иш)дир. 12. (Агар шундай қилсангизлар, Оллоҳ) сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилур ҳамда сизларни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга ва абадий жаннатлардаги покиза масканларга киритур. Бу эса улуғ баҳтdir."(Саф: 10-12)

**Тўққизинчи сифат: Жинлардан ва инсонлардан бўлган шайтонларга эргашмаслик**

Охиратда баҳтиёр қилиб, кишини жаннатга киришига сабаб бўладиган ҳамда дўзах ўтидан сақлайдиган амалларнинг яна бири, жину инсдан бўлган шайтонларга эргашмаслик ҳамда залолатга даъват қилувчи одамларни дўст тутмаслиkdir. Аллоҳ таоло деди:

فَأَقْبَلَ بَعْضُهُمْ عَلَى بَعْضٍ يَتَسَاءَلُونَ \* قَالَ قَائِلٌ مِنْهُمْ إِنِّي كَانَ لِيْ قَرِينٌ \* يَقُولُ أَنِّي لَمَنَ الْمُصَدَّقِينَ \* أَئْدَا مِثْنَا وَكُنَّا ثُرَابًا وَعَظَامًا أَئْنَا لَمَدِينُونَ \* قَالَ هَلْ أَنْتُمْ مُطْلَعُونَ \* فَاطَّلَعَ فَرَأَهُ فِي سَوَاءِ الْجَحِيمِ \* قَالَ تَالَّهُ إِنْ كُنْتَ لَتَرْدِينَ \* وَلَوْلَا نِعْمَةُ رَبِّي لَكُنْتُ مِنَ الْمُحْضَرِينَ \* أَفَمَا نَحْنُ بِمُنْتَهَى \* إِلَّا مَوْتَنَا الْأَوَّلَى وَمَا نَحْنُ بِمُعَذَّبِينَ \* إِنَّ هَذَا لَهُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ \* لِمِثْلِ هَذَا فَلِيَعْمَلِ الْعَامِلُونَ) [الصفات: 50 – 61].

"Бас, улар (яъни аҳли жаннат) бир-бирларига қараб савол жавоб қилурлар.(Шундай сухбатларнинг бирда) улардан бири деди: Менинг бир дўстим бор эди. У (менга) Ростдан ҳам сен (ўлганимиздан сўнг яна қайта тирилишимизни) тасдиқ этувчиларданмисан, бизлар ўлиб, тупроқ ва суякларга айланиб кетган вақтимизда ҳақиқатан ҳам (қайта тирилиб) жазоланувчимизми? дер эди. (Сўзловчи ҳаёти дунёда Охиратни инкор қилган дўсти ҳақидаги ҳикояни тугатгач, жаннатдаги биродарларига): Сизлар (ҳам мен билан бирга ўша дўстимнинг дўзахдаги холи нима бўлганига) қаровчимисизлар? деди. Сўнг ўзи қараб уни дўзахнинг ўртасида кўргач, деди: Аллоҳ номига қасамки, дарҳақиқат, сен мени ҳам ҳалок қилаёзган эдинг. Агар Парвардигоримнинг неъмати (яъни, Ҳидояти) бўлмаса эди,

**албатта мен ҳам** (сен билан бирга дўзахга) **хозир қилинувчилардан бўлур** эдим. (Қани менга айтгин-чи) **бизлар фақат биринчи ўлимимиздан бошқа ўлгувчи эмас эканмизми?!** (Бир марта ўлганимиздан сўнг тирилиб жаннатга кирганимиздан сўнг) **азобланувчи эмас эканмизми?** Албатта мана шу (аҳли жаннатга етадиган неъматлар) **буюк баҳтнинг ўзиdir.** Бас, амал қилувчилар **мана шундай**(мангу баҳт-саодат) учун **амал қилсинглар!** (Вас-саффот: 50-61-оятлар)

Ибн Касирроҳимаҳуллоҳ бу оятнинг тафсирида шундай дейди: Аллоҳ таоло ушбу оятда жаннат аҳли ҳақида ҳабар берди, Улар кўзлар кўрмаган, қулоқлар эшиитмаган, инсоннинг ҳаёлига ҳам келмаган жаннатларда хурийнлар орасида бўлган бир вақтда бир бирларидан дунёда бошларидан ўтказган воқеалар ҳақида сўрамоқдалар, шу пайт улардан бири **Менинг бир дўстим бор эди.** Деб бўлган воқеани айтиб бермоқда. Мужоҳид раҳимаҳуллоҳ айтадилар: унинг у дўсти шайтон эди.

Авфий Ибн Аббосдан ривоят қилиб келтирадиларки, Ибн Аббос: у иймонли одамнинг мушриклардан бўлган дўсти, дедилар. Нима бўлган тақдирда ҳам уларнинг гаплари бир-бирига қарши эмас чунки, шайтон жинлардан ҳам одамлардан ҳам бўлиши мумкин.

Демак, бу оядда зикри келтирилган киши, қайта тирилишга ва ҳисоб-китобга иймон келтирди, Рооббига итоат қилди ва дўстини гапига кирмади ва у юрган йўлдан юрмади натижада унинг бу амали жаннатга киришига ҳамда дўзахдан нажот топишига сабаб бўлди.

### Ўнинчи сифат: Сабр

Ибнул Қойимроҳимаҳуллоҳ айтадилар: Уламолар ҳар бир одамда сабр сифатининг топилиши шарт эканига иттифоқ қилганлар. Зеро, сабр иймоннинг яримиdir. Иймон икки қисмдан иборатdir унинг бир қисми сабр иккичи қисми эса шукрdir. Сабр қиёматда баҳт-саодатга сабаб бўладиган ибодатларнинг биридir. Бу ҳақда Аллоҳ таоло ўзининг китобида куйидагича ҳабар берди:

إِنَّهُ كَانَ فَرِيقٌ مِّنْ عَبَادِي يَقُولُونَ رَبَّنَا أَمَّا فَاغْفِرْ لَنَا وَأَنْتَ خَيْرُ الرَّاحِمِينَ \* فَاتَّخَذْتُمُوهُمْ سُخْرِيًّا حَتَّىٰ أَنْسَوْكُمْ ذِكْرِي وَكُنْتُمْ مِّنْهُمْ تَضْحَكُونَ \* إِنَّي جَزِيئُهُمُ الْيَوْمَ بِمَا صَبَرُوا أَنَّهُمْ هُمُ الْفَلَائِرُونَ (المؤمنون: 109)

.[111]

"Аниқки, Менинг бандаларимдан бир гурухи бор эди. Улар: Парвардигоро, (Ўзингга)иймон келтирдик. Бас, сен бизларни мағфират қилгин ва бизларни раҳм айла: Сен Ўзинг раҳм қилувчиларнинг яхшироғидурсан, дер эдилар. Сизлар эса уларни масхара қилдингиз, ҳатто уларнинг (устидан кулиш) сизларга Мени эслашни унутдириди. Сизлар улардан кулган эдингиз. Мен бугун уларни (сизларнинг озоразиятларингизга) **сабр-тоқат қилганлари сабабли мукофатладим** улар ҳақиқий (баҳт-саодатга) эришувчилардир. (Мўминун: 109-111-оятлар).

Биродарим! Сабр деганда – Киши ўзини жазавадан, ғазаб қилишдан, тилини эса шикоятлардан, аъзоларини гуноҳлардан тийиш назарда тутилади.

Сабр уч турлидир:

- 1.Аллоҳнинг таот-ибодатларига сабр қилиш
- 2.Аллоҳга осий бўлмасликка сабр қилиш
- 3.Аллоҳнинг имтиҳонларига сабр қилиш.

Абу Яхё Суҳйб Ибн Синонадан р.з. дан ривоят қилинади. Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. дедилар: Мўминнинг иши ажабланарли, ҳайратомуздир. Ҳамма иши унга яхшилик келтираверади. Бу мўминларга ҳос бўлиб, улардан бошқаларда ундей эмас. Агар унга хурсанд қилувчи нарса етса, шукр қиласди. Бу у учун яхшидир. Агар зарар берувчи нарса етса, сабр қиласди. Бу ҳам унинг учун яхши бўлади. (Ином муслим ривояти).

Аллоҳ таоло ҳаммаларимизни ҳақиқий баҳт-саодатга эришувчилардан қилсин!

### **ВА АХИРУ ДАЪВАНА АНИЛ ҲАМДУ ЛИЛЛАҲИ РОББИЛ АЛАМИН.**

Ушбу китобчада келтирилган оятлар таржимаси ва изоҳлари, шайх Алоуддин Мансурнинг "Қуръони Азим" тафсиридан олинди.

25/2/2013